**№ СРІО-0122/NET-VPN-1 - СОН**
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Тошкент ш.** **2022 йил "24" 01**

**"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси** (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "30" декабрдаги № 45-01-07/1159 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг **"Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази"** филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **"Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси"** номидан Устав (Устав, Низом, руйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи У.У. Нишанджанов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги уринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тулиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари курсатилиши туғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тулов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сузсиз қабул килиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сунг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сунг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида уз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс туловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга булади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга булади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва туловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома буйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар кўрсатилишидан олдин туловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада курсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тулови **100 ( бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан туланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) курсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ курсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

01.01.2022 й. дан 31.03.2022 й. гача хизматлар курсатиш учун шартноманинг умумий миқдори 29 751 000,00 (йигирма туққиз миллион етти юз эллик бир минг сум 00 тийин) сўмни ташкил этади. Ундан: 9 917 000,00 (туққиз миллион туққиз юз ўн етти минг сўм 00 тийин) сўм миқдорда 15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда ойлик абонент тулови.

Ундан бюджет хисобдан 29 751 000 сум

Бюджетдан ташқари хисобдан___________________________________________________________

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада курсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тулайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар курсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос була олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган туловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун туланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тулиқ календарь ойи учун умумий миқдори курсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ун) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тулов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар булади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Узбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда узаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар уртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни узаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони булмаган тақдирда, низолар Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида куриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида уз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Узбекистон Респбликасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар курмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, узаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ булмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб булмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати купи билан 30 (уттиз) кун давомида куриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти булган Абонентга татбиқ этилмайди) уз шартларини бажаришни давом эттирса ва

Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган булса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти булган Абонент** учун ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31-Декабрга кадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва кушимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тулиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг узгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома уз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ун) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага узгартиришлар ва қушимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд булган тақдирда) билан тасдиқланган булса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган булиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| **ОПЕРАТОР:**<br>**АК "Узбектелеком"**<br>**«Сотув ва хизмат курсатиш маркази» филиали** | **АБОНЕНТ:**<br>**"Ўзбекистон Республикаси**<br>**Бош прокуратураси Академияси"** |
|---|---|
| Манзил: Тошкент, А.Темур кучаси, 97 А.<br>Тел: (99) 836-7600<br>Электрон почта: b2b@uztelecom.uz<br>Банк маълумотлари:<br>ҳисоб рақами: 2021 0000 5040 7483 8088<br>АТБ Алоқабанк<br>МФО: 00401<br>ИНН: 203366731<br>ОКЕД: 61100<br>Туловчининг руйхатдан ўтиш коди<br>ҚҚС 326 030 013 817 | H/v: 100010860262737096200010001<br>INN: 200 838 518 XXTUT 92200<br>OFZ.U KAZNACHEYSTVA MINFINA RU<br>X/r: 2340 2000 3001 0000 1010<br>HKKMMB TOSH. SH. BB<br>MFO: 00014 INN: 201 122 919<br>Манзил: _____<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: _____;<br>СТИР: _____;<br>МФО: _____ банк номи<br>Тел: _____;<br>E-mail: _____; |
| **Оператор номидан:**<br>**Директор ўринбосари** _____ **Хон А.Е.**<br>/имзо/<br>м.ў. | **Абонент номидан:**<br>_____ / _____ / _____<br>/имзо/<br>м.ў. |

Техник куллаб-кувватлаш: 1155
Ижрочи: Ильясов И.Р.
Тел.: (+998 99) 836-7380
Электрон почта: i.ilyosov@uztelecom.uz

2022 йил "24" 01

CPIO-0122/NET-VPN-1 –сонли абонент шартномасига

1–илова

**Курсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар руйхати ва хизматлар учун тарифлар**

*Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)*

| № | Хизмат номи | ҚҚС билан нархи (микдори) | Асос | Микдори | Нархи (киймати) ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **I. Бир марталик туловлар** | | | | |
| | **II. Ойлик туловлар** | | | | |
| 2.1 | Teznet Business -7 PLUS тариф режаси буйича 132,5 Мб/с тезлигида Интернет тармоғига ҳамда UZ-IX ва TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш. | 9 752 000,00 | Нархнома | 1 | 9 752 000,00 |
| 2.2 | Тармок ости IP-статикаси учун абонент тулови: 195.158.024.178/32, 084.054.074.105/32, 195.158.024.188/32 | 20 000,00 | Нархнома | 3 | 60 000,00 |
| | VPN маълумотлар узатиш тармогига кириш КСПД : **"Академия прокуратуры РУз"**, тезлик 10 мб/с, (Ethernet шаҳар) | 105 000,00 | Нархнома | 1 | 105 000,00 |
| | **Жами (олдиндан тулов)** | | | | **9 917 000,00** |

**Жами олдиндан тулов микдори 9 917 000,00 (туккиз миллион туккиз юз ун етти минг сум 00 тийин) сум, шу жумладан 15% ККС микдорида.**

**01.01.2022 й. дан 31.03.2022 й. гача хизматлар курсатиш учун шартноманинг умумий микдори 29 751 000,00 (йигирма туккиз миллион етти юз эллик бир минг сум 00 тийин) сумни ташкил этади. Ундан: 9 917 000,00 (туккиз миллион туккиз юз ун етти минг сум 00 тийин) сум микдорда 15% ҚҚСни хисобга олган холда ойлик абонент тулови.**

**Ундан бюджет хисобдан**____________________

**Бюджетдан ташқари хисобдан**____________________

| "Оператор" | "Абонент" |
|---|---|
| АК "Ўзбектелеком" «Сотув ва хизмат курсатиш маркази» филиали | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси |
| Директор ўринбосари ______ / Хон А.Е. / | ______ У.У. Нигмаджанов |
| м.у. | м.ў. |

2022 йил "24" 01

CPIO-0122/NET-VPN-1 – сонли абонент шартномасига

2–илова

**Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан утқазиш далолатномаси**

Телекоммуникация хизматлари курсатилиши туғрисида 2022 йил "24" "01" **CPIO-0122/NET-VPN-1** сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди.

| т/р | Хизматлар номи | Микдори | Ишга туширилган сана | Бажарилганлиги хақида белги |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Teznet Business -7 PLUS тариф режаси буйича 132,5 Мб/с тезлигида Интернет тармоғига хамда UZ-IX ва TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармогига кириш. | 1 | «01» Январ 2022г. | Бажарилди |
| 2 | Тармок ости IP-статикаси учун абонент тулови: 195.158.024.178/32, 084.054.074.105/32, 195.158.024.188/32 | 3 | «01» Январ 2022г. | Бажарилди |
| 3 | VPN маълумотлар узатиш тармогига кириш КСПД : **" Академия прокуратуры РУз "**, тезлик 10 мб/с, (Ethernet шахар) | 1 | «01» Январ 2022г. | Бажарилди |

**Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топширшш - қабул қилиш далолатномаси**

| № | Қурилманинг дастурий таъминот номи | Микдори | Серия коди ёки завод раками | 15% ҚҚСни инобатга олган холда етқазиб бериш қиймати, (сумда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |

"Оператор"

АК "Узбектелеком"
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Директор ўринбосари ____________ Хон А.Е.

м.ў.

"Абонент"

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси

____________ Ў.У.Низомов

м.ў.